

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ МУЗЕЙИ



*АДАБИЁТ  
КЎЗГУСИ*

2

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ АДАБИЁТ МУЗЕИ

Таджик тилининг ёзиганларини сабаблайдиган шоиста  
ишиниң тарихидан тадқиқоти ва музейдаги музейларни оларниң  
художникларини тарихидан тадқиқоти ва музейларни оларниң  
шоисти Адабиёт музейи тарихидан тадқиқоти ва музейларни оларниң

# АДАБИЁТ КЎЗГУСИ

УЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИДАН ТАДҚИҚОТ ВА  
МАТЕРИАЛЛАР

Илмий тўплам

№2

№2

Узбек тилининг ёзиганларини сабаблайдиган шоиста  
ишиниң тарихидан тадқиқоти ва музейдаги музейларни оларниң  
художникларини тарихидан тадқиқоти ва музейларни оларниң  
шоисти Адабиёт музейи тарихидан тадқиқоти ва музейларни оларниң

Тошкент Тошкент Тошкент  
Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1996

## Үн тўрт — ўн беш бўғинли вазнлар

1. та-на-нан-нан (ёки тан-на-нан-нан) та-на-нан-нан (ёки тан-на-нан-нан) та-на-нан-нан (ёки тан-на-нан-нан) тан-нан (ёки тан-на-нан, ёки тан-на-нан)
2. та-нан-нан та-на-нан-нан та-нан-на-нан тан-нан (ёки та-нан-нан, ёки тан-на-нан)

## Ўн тўрт бўғинли вазнлар

1. тан-нан-нан та-нан-нан-нан тан-нан-на та-нан-нан-нан
2. тан-нан-на та-нан-нан-на та-нан-нан та-нан-нан
3. та-нан-нан-на та-нан-нан та-нан-нан
4. тан-на-на-нан тан-на-нан тан-на-нан
5. тан-нан-на тан-на-нан-нан тан-нан-нан
6. тан-нан-на тан-на-нан-на тан-на-нан-нан
7. та-нан-нан та-нан-нан-нан тан-нан-нан
8. та-нан-нан-на тан-на-нан та-нан-нан-на тан-на-нан

## Ўн беш бўғинли вазнлар

1. та-нан-нан-нан та-нан-нан-нан та-нан-нан-нан та-нан-нан
2. та-нан-нан-на та-нан-нан-на та-нан-нан-на та-нан-нан

## Ўн олти бўғинли вазнлар

1. та-нан-нан-нан та-нан-нан-нан та-нан-нан-нан та-нан-нан-нан
2. тан-нан-на-нан тан-нан-на-нан тан-нан-на-нан тан-нан-на-нан
3. тан-на-на-нан та-нан-на-нан тан-на-на-нан та-нан-на-нан
4. та-нан-на-нан та-нан-на-нан тан-на-на-нан та-нан-на-нан
5. тан-на-нан-нан (ёки та-на-нан-нан) тан-на-нан-нан (ёки та-на-нан-нан) тан-на-нан-нан (ёки та-на-нан-нан) тан-на-нан-нан (ёки та-на-нан-нан).
6. та-на-нан-на тан-на-нан-нан та-на-нан-на тан-на-нан-на
7. та-нан-на-нан та-на-нан-нан та-нан-на-нан та-на-нан-на

## Иигирма бўғинли вазн

1. та-на-нан-на-нан та-на-нан-на-нан та-на-нан-на-нан та-на-нан-на-нан

Энди мисол учун Навоийнинг бир ғазалидан қўйидаги байт-

ни тақтиъ қилиб, яъни бўғин ва руқнларга ажратиб, вазнини аниқлайлик:

Чарху анжум сари оҳим ўтидин,  
Юбориб дуд ила учқун йиғлай.

Буни бўғинларга ажратсак қўйидаги бўлади:

чар-ху-ан-жум-са-ри-о-ҳим-ў-ти-дин  
йў-ба-риб-ду-дӣ-ла-уч-қун-йиғ-лай<sup>1</sup>

Байтнинг биринчи мисраи ўн бир бўғиндан, иккинчиси ўн бўғиндан иборат. Демак, унинг вазнини ўн-ўн бир бўғинли вазнлар туркумидан қарамаймиз. Бу туркумда иккита вазн берилган бўлиб, улар иккинчи руқнда фарқ қиласди. Руқннинг учинчи бўғини биринчи вазнда чўзиқ бўлиши, иккинчи вазнда эса қисқа бўлиши шарт. Мазкур байтнинг иккала мисраида ҳам ўша ўриндаги бўғинлар (о, уч) чўзиқ. Демак, бу байтни ўн-ўн бир бўғинли вазнлар туркумидаги биринчи вазнга солиб ўқиш керак экан:

чар-ху-ан-жум са-ри-о-ҳим ў-ти-дан  
тан-на-нан-нан та-на-нан-нан та-на-нан  
йў-ба-рин-ду: ди-ла-уч-қун йиғ-лай  
та-на-нан-нан та-на-нан-нан тан-нан

Аруз илми ҳақида муфассал маълумотга эга бўлишни ис-таганларга Бобурнинг шу илмга бағишлиланган рисоласини мутолаа қилишни тавсия қилиб, мақолани тутгатамиз.

## И з о ҳ:

1. Мисра бошидаги «юбориб» сўзининг талафузи «йубарин»дир. Қадим туркий, жумладан ўзбек сўзларида «о» товуши бўлмаган. Ҳозирги орфографиямизда «о» билан ёзиладиган равишдош қўшимчаси эса ҳамма даврларда «и» деб айтилган ва айтилмоқда.

РАШИД ЗОҲИД

СУФИ ОЛЛОЁР

Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли ҳақида нисбатан тўғри маълумот берувчи, ҳозирча бизга маълум бўлган манба — «Рисолаи Азиза»дир. Бу китобнинг ёзилиш йили шоир яшаган даврга яқинлиги эътибори билан ҳам қимматлидир. Ҳижрий 1211 (мел. 1796) йил битилган «Рисолаи Азиза» Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин» китобига ёзилган шарҳ бўлиб

муаллифи Тожуддин Ёлчиғул ўғелидир. Шарҳнинг бундай номланишига сабаб — муаллиф уни қизи Азизанинг илтимосига кўра ёзган.

Тожуддиннинг ёзишича, Сўфи Оллоёр XVII асрнинг ўрталарида Самарқанд элидаги Минглан отлиғ овулда таваллуд топган. Шоирнинг отаси Темирёр ўз даврининг солиҳ ва тақвоми кишиларидан бўлиб, асли ва насли нўғой уруғидандир.<sup>1</sup> Темирёр ўғли Оллоёрни 12 ёшида Бухоро мадрасасига таҳсилга беради. 25 ёшида Бухоро подшоҳи уни бож маҳкамасига тўра лавозимига тайинлайди. Оллоёрнинг бож маҳкамасидаги фаолияти унинг маънавиятига таъсир қиласди. Тўранинг зулми шударажага етадики, Оллоёр тўра номини эшитган одам қўрқувбўлмиш шайх Ҳабибуллоҳ сабаб бўлиб, Оллоёр хатарли йўлдан, залолатдан қайтади. Қилган барча ёмон ишларига тавба этиб, шоҳ яқинидан кетиб, Шайх ҳузурига боради. Пири Ҳабибуллоҳ раҳнамолигида 12 йил қолиб, тариқат мақомларини эгаллади.

Сўфи Оллоёрнинг туғилган йили ва вафоти ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Лекин Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асари бу масалага бир оз бўлса ҳам аниқлик киритади. Мазкур тазкирада Бобораҳим Машраб билан Сўфи Оллоёрнинг замондош эканлигини далилловчи тарихий лавҳа бор. Тазкирада Машрабнинг вафот санаси хижрий 1123 (мел. 1711) йил, 57 ёшида деб аниқ қайд этилган. Шунга асосийл, Сўфи Оллоёрнинг туғилган йилини тахминан мел. 1650 дейиш мумкин. Агар бу санани шоирнинг таржимаи ҳолидаги маълумотлар билан тўлдирсак, қўйидагича бўлади: 1662 йил мадрасада таҳсилни бошлаган; 1675 йил бож маҳкамасига тўралик лавозимига тайинланган. Агар бож маҳкамасидаги фаолияти 3 йил давом этган бўлса, 1678 йилдан бошлаб сўфийлик йўлига кирган. Маълумки, пири Ҳабибуллоҳ раҳнамолигида 12 йил тарбият топган. Демак, 1690 йил 40 ёшида Сўфи Оллоёр муридлардан муршидлик даражасига етган. Унинг исмига эшон сифатининг қўшиб айтилиши бу фикримизни тасдиқлайди.

Сўфи Оллоёрнинг ҳаёти билан боғлиқ ривоятнома талқинлар халқ орасида кўп учрайди. Улар шаклан турлича бўлишига қарамасдан, мазмунан «Рисолаи Азиза»даги маълумотларнинг айнан ўзидир. Албатта, бу маълумотлар ва хulosалар Сўфи Оллоёр ҳаётини ўрганишга якун ясамайди. Ишончли манбаларга таяниб уларни янада тўлдириш, тарихий ҳақиқат асосида қайта кўриб чиқиш ва яхлит таржимаи ҳол шаклида қайта тузиш зарур.

Энди Сўфи Оллоёрнинг адабий мероси ҳақида қисқача тўхтасак. Сўфи Оллоёр ҳақиқат илмини, ҳақиқат фалсафасини очувчи бир қанча китоблар ёзиб қолдирганки, бунга «Маслак ул-муттақин» (Тақволилар маслаги), «Мурод ул-орифин» (Орифлар муроди), «Махзан ул-митоин» (Мутелар хазинаси), «Сабот ул-ожизин» (Ожизлар саботи), «Фавз ун-нажот» (Нажот тантанаси) каби асарларни мисол келтириш мумкин. Булардан «Маслак ул-муттақин» ва «Мурод ул-орифин» форс тилида, «Сабот ул-ожизин» ва «Фавз ун-нажот» туркий тилда ёзилган<sup>2</sup>. Мазкур китоблар назмда, маснавий йўлида битилган бўлиб, шоирнинг ўзи уларни манзума деб атайди. Ӯша даврларда ёки ундан сўнг ҳам туркий ва форсийда битилган бу китобларга луғатлар тузилганлиги, уларга тавсифлар ва кенг шарҳлар ёзилганлиги Сўфи Оллоёр ижодининг илмий-бадиий қимматини яна бир қадар оширади. «Маслик ул-муттақин» китобига тузилган луғат ҳозир Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлъёзмалар институти фондидаги сақланялти.<sup>3</sup> XIX асрда кўчирилган бу луғатда 950 та маҳсус истилоҳларнинг сўфиёна мазмумни изоҳланган ва ҳар сўз остига форсийда маънодоши ёзилган. Шу луғатнинг яна бошқа нусхаси ҳам борки, унда истилоҳлар сони сал кам 2000 та сўздан иборатdir. Машҳур олим Булғорий Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин» китобини араб тилида гаплашувчи халқлар орасида ҳам оммалаштириш мақсадида тожикчадан арабчага таржима қилган<sup>4</sup>. Булғорий «Мурод ул-орифин» китобига ҳам шарҳ ёзган. Тожик тилидаги бу шарҳ «Тұхфа ул-толибиғ фи шарҳ Мурод ул-орифин» («Орифлар муроди» шарҳи ҳақида толиблар тұхфаси)<sup>5</sup> деб номланган. Бу шарҳли таржималарни нафақат бир тилдан бошқа тилларга ўғирилган асар деб, балки уларни адабий-бадиий тадқиқот шаклидаги маҳсус рисола ўрнида қабул қилиш мумкин.

Сўфи Оллоёрнинг юқорида тилга олинган китобларидан ташқари баёзларга кирган шеърлари, «Ашъори Сўфи Оллоёр», «Рубойи от» каби асарлари Қўлъёзмалар институти фондидаги сақланялти. Уларнинг жами қўлъёзма ва тошбўсма нусхалари 100 дан ошиқдир.

Инсоний комилликни тарғиб этувчи бу асарлар илмий — фалсафий, ижтимоий — аҳлоқий мазмунларга тўла. Уларда жонзодлар ичидаги энг мукаррам қилиб яратилган инсоннинг мөҳияти ва унинг ҳаётдаги ўрни, одил тартиблари асосига қурилган олам одамийликнинг табиий алоқадорлиги каби умумбашарий масалалар мусулмонлик эътиқоди нуқтаи — назаридан чуқур таҳлил қилинади. Сўфи Оллоёрнинг асосий тўртта китоби: «Маслак ул-муттақин», «Мурод ул-орифин»,

«Махзан ул-митоин», «Сабот ул-южизин» муридлик йилларидан тасниф этилган. Демак, шоир манзумаларида тасаввуф маънлигининг тез-тез учраши шу ҳикматли ҳол билан боғлиқ бўлса ажаб эмас. Лекин Сўфи Оллоёрнинг сўфийлик сулукати классик адабиётда катта анъанага эга бўлган суфийлик қарашидан айрим жиҳатлари билан фарқ этади.

Мутасаввуф шоирларнинг асосан кўпчилиги ўз шеърларидан — Вожиб ул-вужуд билан инсон ўртасидаги муносабатда ҳар қандай воситани инкор этади. Ваҳдоният, яъни бирлик майидан маст бўлиш учун унга жаннат ҳам, намоз ҳам, рўза ҳам ёки бошқа шунга ўхшаш воситалар ҳам керак эмас, у ҳақнинг шундай оширики, шу воситаларсиз Ҳаққа етмоқчи унинг ўзи бўлса бас.

Кўйинг борида қилмон,  
жаннатга гузар ҳаргиз,  
Қаддинг қошида салмон,  
тубига назар ҳаргиз  
(Навойи)

Ёки:

Май маънини айлаюб шиор, эй воиз  
Дутдинг раҳи таъни ишқи ёр, эй воиз.  
Тарки маю маҳбуб эдариж жаннат учун,  
Шарҳ айлаки, жаннатда на вор, эй воиз?  
(Фузулий)

Ёки:

Аёқинг тупроғи бирла қасамким  
Манга сансиз пари қайси, санам ким?

(Атойи)

Бундай мисраларни Лутфий, Саъдий, Жомий, Насими, Машраб ва бошқа улуғларимиздан ҳам келтириш мумкин. Аммо Сўфи Оллоёрда бундай байтларни учратиш қийин. Аксинча, Сўфи Оллоёр воситаларини инкор этмайди. У бу воситаларни Яратувчининг яратилганларга неъмати, эҳсони деб билади, поклик ва бойликтининг манбаига етиш учун имкон деб билади.

Таваккул танжидан эй юз ўғурғон  
Бу ўргонга мухолифдур буюргон.

Таваккул — сўфийликдаги юқори мақомларнинг биттаси бўлиб, Ҳаққа таваккал қилиш — инсонга ҳаракат ва ғайрат ба-

138

ғишлар экан, жисмни қўрқувлардан тозалаб, инсонга Ҳақнинг мардлигини сингдирап экан. «Бу ганждан юз ўгириб юриш — Оллоҳнинг буюрган амрларига хилофдир» дейиляти мисрада. Шариат эса худди мана шу — Оллоҳнинг буюрган амрлари, яъни фарзлари ва яна суннатга асосланган кўрсатмадир ёки янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсан, шариат — инсоннинг Ҳаққа етиши учун зарур бўлган воситалар мажмуидир.

Сўфи Оллоёр инсон ўзининг Яратувчиси юлдида нақадар кичикилигини эътиборга олиб, Висол фақатгина воситалар орқалигина амалга ошади, деб ишонган. Шунинг учун ҳам айтиди:

Шариат ҳукмидин ташқи риёзат  
Эмас тоат, қабоҳатдур, қабоҳат.

Ёки:

Кел эй сўфи умид этсанг сафодин  
Қариш чиқма тариқи Мустафодин.

Ёки:

Шариатсиз киши учса ҳавога  
Кўнгил берма анинг худнамоға.

Ҳақиқатда ҳам Сўфи Оллоёр дин фидоийси, шариат кишиси бўлган. Мана унинг шоир Машраб билан суҳбатини эшитинг: «...Гап орасинда шоҳ Машраб дедиларки: Ё сўфим, Сиз бутун умрингиз мөбайнинда Пулисиротга ҳушомад қилмишсиз. Ҳузурий дегони эса дўзахга ҳушомад этмиш. Дўзах ва Пулисирот даҳшатларидин, дўзах азобларидан авом ҳалқ руҳини ларзага солмишсизлар. Ё сўфим, инсоф билан тафаккур қилинса, Дўзах билан Пулисирот шу ёруғ дунёнинг ўзида мавжуд эмасми? Фарзанди одам умрининг ибтидосидан то интиҳосига қадар босиб ўтмиш ўйлнинг ўзи — қил устида турмөқлик; гардун ва золимлар анинг бошига ёғдирмиш азобу-уқубатлар, сонсиз фалокатлар Дўзах азобидан камму? Ё, сўфим: Аёқларингиз остига бир назар ташланг, Пулисирот ва Дўзах анда мавжуддир.

Эшони Сўфи шоҳ Машраб жавобларидан тафий тортиб, истиғфор келтирмушлар. Эшони Сўфи шоҳ Машрабга юзланиб дедиларки: Ё Машраби мажзуб, гуноҳга ботманг. Оллоҳ Таоло Биҳишт ва Дўзахни солиҳ ва коғир бандаларни бу ҳақиқатдан огоҳ қилмоқ сиз ва биз учун ҳам фарз, ҳам қарздор»...

«Газкираи қаландарон»дан келтирилган бу суҳбатдан шу нарса аён бўладики, Сўфи Оллоёр Биҳишт, Дўзах, Тарозу,

139

Қиёмат, Пулмисирот каби Оллоқ билан бандаси ўртасидаги во-  
ситаларни дунёвий мезонлар билан ўлчамайды, балки Калом-  
да ва ҳадисларда қандай тасвирланган бўлса, шундай қабул  
қиласди. Шунинг учун айтади:

Фаришталар, набилар етмадилар  
Бўйинсундилару, фикр этмадилар.  
Вале фикр эт худони қудратиға,  
Ажойиб ишларига, санъатига.

Ёки:

Тарозу бориға иқроримиз бор  
Нечук эрканиға не коримиз бор.

Сўфи Оллоёр манзумаларида шариат ҳукмлари билан та-  
риқат мақомлари ўртасидаги фарқ йўқолади. Шоир шариатни  
йўл деб, тариқат мақомларини эса шу йўлда ҳосил бўладиган  
инсоний даражалар деб билади.

Хулоса қилиб айтганда, Сўфи Оллоёр тасаввуф маънилари,  
сўфиёна қарашлари асосида шариатни тарғиб этади. Уни эни-  
га ҳам, бўйига ҳам чеклаб бўлмайдиган ягона тўғри йўл деб  
толади. Шу жиҳатдан шоир «ҳар нимадан бир миқдорни олса-  
лар, бу миқдори қолур, шариатдан ўзгаки, бир миқдори андин  
кам бўлса, ҳеч нима қолмас» деган маслакдаги тоифага кир-  
са керак.

Сўфи Оллоёрнинг бадиий тарафдан юксак, хусусан тажни-  
санъатига намуна бўладиган манзумалари чинакам илмий-  
бадиий ва лугавий-фалсафий тадқиқотини кутаяпти. Сўфи  
Оллоёр адабий шахс сифатида адабиётга кириши керак. Унинг  
ўзига хос таржимаи ҳоли, ёшу кексанинг руҳий табиатига мос-  
келевучи равон манзумалари адабиёт хазинасини фақат бойи-  
тади.

### Изоҳлар:

1. ЎЗСЭ нинг 10-жиллида шоирни туғилган қишлоғи ва отасининг ғисми  
Оллоқули деб ёзилган.
2. «Махзан ул-митоин» китоби ҳали топилмаганлиги сабабли қайси тил-  
да битилгани номаълум.
3. «Адабий мерос», 1980, 3,15). Тасиф. Ҳасанов Б.
4. Кат. Араб. Рук. Акад. Наук ТССР, 267, № 483.
5. Кат. Араб. Рук. Акад. Наук. ТССР, 268, № 484. ЎЗСЭ да бу шарҳ  
Сўфи Оллоёрнинг китоби деб айтилган.

МУҲАММАДНОДИР САИДОВ

### ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР МИФОЛОГИЯСИННИГ ЁЗМА АДАБИЁТГА ТАЛЬСИРИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Муҳаммад Фузулийнинг:

Гарчи шамшодда чўҳ лофи латофат вордир,  
Хадди йўхтурки эда сарви хиромон ила баҳс.

Байти мазкур мавзуни ишлашга туртки бўлди. Байтнинг маз-  
муни икки ҳолатни ўзида яширган. Уларнинг бири туркий халқ-  
лар мифологияси билан боғлиқ бўлган рамзлар, иккинчиси эса  
туркий халқлар поэзиясида зоҳир ва ботин масаласини ёри-  
тиш. Ёзма адабиётда бу иккала ҳолат уйғун ишлаган. Буни  
гўззаликда мақтовга сазовор Шамшоднинг сарв билан баҳс-  
лашмоғи мумкин эмасликда очилган.

Биринчи қарашда зоҳиран икки дараҳт намоён бўлиб, улар-  
нинг бир-бирига қиёсий жиҳатлари қўйидагича:

Сарв дараҳти қишин-ёзин кўм-кўк турадиган игна баргли,  
сервиқор дараҳт. Шамшод ҳам қишин-ёзин кўм-кўклигини сақ-  
лайдиган кичик баргли, лекин танаси мўъжаз, ниҳоятда секин  
ўсадиган дараҳт. Аммо бу икки дараҳт қиёфасида ботиннинг  
икки гўззаликнинг тасвiri яширинган. Уларнинг бири кенг қу-  
чоқли, узун бўйли; иккинчиси эса мўъжазгина ёлғиз аёл. Улар-  
нинг қай бири Фузулийнинг меҳрини тортади? Байтдан унга  
сарвқомат гўзал ёқар экан-да, деган хулоса келиши мумкин.  
Бошқа бирорга «бир қошиқ сув билан ютиб юборса бўлади»  
даган аёл маъқул бўлиши мумкин. Фузулийнинг ўз меҳрига да-  
лили шу қадар кучлики, унинг мантиқига қойил қолмаслик  
мумкин эмас. Бу даъвомизни исботлаш учун туркий халқлар-  
нинг қадимги асотирларига мурожаат қилишга тўғри келади.

Дунё халқлари мифологиясида ҳаёт, айниқса, одамзод ҳаё-  
ти ўсимликлар дунёси билан боғлиқ тарзда талқин қилинади.  
Жумладан, туркий халқлар асотирларида одамнинг илк бор  
дунёга келишида ҳал қилувчи ролни дараҳт омили ўйнаши ифо-  
даланган. Масалан, туркий халқларнинг қадимий эпоси —  
«Ўғузнома»да шундай гаплар бор:

«Ўғуз қоған овга катти. Бир кўл орасинда олиндан бир йи-  
ғач кўрди. Бу йиғачнунг қабуҷагинда бир қиз бор эрди, ялғуз  
ўлтурур эрди. Анинг кўзу кўктун кўкрак эрди, ануң сочи му-  
ран усугидак (дарё оқимидаи — М. М.), ануң тиши уню инжу—  
М. С.) дак эрди. Андоғ кўруклуг эрди ким ярнинг эл куни  
(одамлари — М. С.) кўрса ай-ай, аҳ-ах, ўларбиз деб, сутдан  
қумуз бўла туурлар. Ўғуз қоған ани кўрдукта ўзи катти, юра-

## МУНДАРИЖА

### ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

<i>Ю. Турсунов.</i> Амир Темур тұғрисида құләзма китоб	3
<i>Н. Дүстхұжаева.</i> Аллани кім айтади?	7
<i>А. Мусақулов.</i> Халқ лирикасида соч магияси ва хосилдорлик излари	10
<i>М. Жұраев.</i> Ола от культиниң ўзбек эпосидаги излари	29
<i>С. Рұзимбоеv.</i> Хоразм достончилгі анъаналари	37
<i>Б. Мамедов.</i> Бобур шеъриятида халқ оғзаки ижодиеті таъсирі масалалари	48
<i>С. Олимов.</i> Маданий мерос фидойиси	56

### ҚАДИМИЯТ САДОЛАРИ

<i>С. Мелиев.</i> Мангы мунг	66
<i>Ф. Сулаймонова.</i> Испанияда шарқ маданияті	73
<i>Б. Исабеков.</i> Халқ тарихи күзгуси	85
<i>Н. Раҳмонов.</i> Ирқ битиги ва қадимги туркійлар маданияті	94
<i>И. Мутьй, М. Үсмонов. М. Қошғарийнинг юрті, ҳаёті ва мозори тұғрисида</i>	107
<i>С. Рустамова.</i> Маҳмуд Кошғарий ва уннинг «Девону лугатит түрк» асары	120

### МЕРОСИМИЗ ХАЗИНАСИДАН

<i>А. Рустамов.</i> Аруз очқичи	130
<i>Р. Зоҳид Сўфи Аллоёр.</i>	136
<i>М. Сайдов.</i> Туркій халқлар мифологиясининг ёзма адабиетига таъсирі масаласига доир	141

### НАВОИЙ ДАҲОСИ

<i>А. Абдуғафуров.</i> Топилмаган ғазаллар	146
<i>Б. Акромов.</i> Навоий шоҳбайтлари	159
<i>Х. Солиҳова.</i> Низорийнинг «Лайли ва Мажнун» достони ҳақида	174
<i>Н. Жумаев.</i> Навоий ғазалларининг мукаммал таҳлили орзусида	186